

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Экология ва атроф-муҳитни**  
**муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**  
**раисининг биринчи ўринбосари,**  
**Харид комиссияси раиси**



*А. Халилов* .Халилов  
«13» 05 2022 г

**Лойиҳанинг тавсифи**

**Лойиҳанинг номи:**

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастр объектларининг электрон хариталаш маълумотлар базасининг геопорталини яратиш.

**Мақсади:**

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастр объектларининг маълумотлари асосида электрон платформа яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида” 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон қарори билан тасдиқланган иловага мувофиқ, махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”нинг 17-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон қарори ижросини таъминлаш.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастр объектларининг маълумотлари асосида вилоятлар кесмида ўсимлик ва ҳайвонот турлари тўғрисидаги маълумот ва улар тарқалган ҳудудлардаги координаталари, хариталари ҳамда давлат кўрикхоналари, давлат биосфера резерватлари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, питомникларининг тавсифи ва уларнинг географик жойлашув хариталарининг электрон платформа яратиш.

**Вазифа:**

1. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари бўйича маълумотлар асосида вилоят кесмида географик координаталарни электрон харитага боғлаган ҳолда тизимга киритиш.
2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўйича давлат кўрикхоналари, давлат биосфера резерватлари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхоналари, табиат

- боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, питомникларининг тавсифи ва уларнинг географик жойлашув хариталарини жойлаштириш.
3. Тизимга маълумотларни (давлат тили, рус, инглиз тилида) шакллантириш.
  4. Ҳар бир киритилган маълумотлар автоматик тарзда битта шакл асосида киритиш ва юклаб олиш учун имконияти бўлиши лозим.
  5. Яратилган тизимни Давлат экология қўмитасининг серверига юклаш ва ишлашини текшириш.

**Ишларни бажариш муддати - 60 иш куни.**

**Ишлаш нархи 30 млн.сўм**

**Давлат экология қўмитасининг танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси таркиби**

Ишлар бошқармаси бошлиғи,  
Харид комиссияси раиси ўринбосари

Ф.Мусаев

Ташкилий назорат ва таҳлил  
бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси

В.Хайитбоев

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги  
ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил  
этиш бошқармаси бошлиғи, комиссия  
аъзоси

У.Абдуллаев

Атроф-муҳит ифлосланишини  
мувофиқлаштириш ва мониторинг  
қилиш бошқармаси бошлиғи, комиссия  
аъзоси

У.Собиров

Молия бошқармаси бошлиғи в.б.,  
комиссия аъзоси

А.Муродов

Юридик бўлим бошлиғи в.в.б.,  
комиссия аъзоси

Д.Абдурахманова

Рақамлаштириш ва кадастрни юритиш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари  
харид комиссияси котиби

Ф.Хуррамов